БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 195 (19.271). • 1985 йил 27 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

● УНИНЧИ ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА НАМУНА КЎРСАТАЙЛИК.

● МУСОБАҚАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЁТГАНЛАР Г А ТЕНГЛАШИНГ!

● ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУН САЙИН КУЧАЙТИРИБ, ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИНГ! «ЗАНГОРИ ҚЕМА»ЛАР ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИНГ ШАЙЛИГИНИ ҚАЙТА НАЗОРАТДАН ЎТКАЗАЙЛИК!

КПСС XXVII съездига—27 зарбдор ўн кунлик!

ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Кун санаб, қуёш эмган ғўза кўсакларидаги ҳосил етилиб, салмоғи ортиб боряпти. Чаноқларда пахта қайнаб-тошадиган вақт узоқ эмас. Ҳадемай, қизғин палла—терим мавсуми бошланади. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнати эвазига етиштирилган мўл ҳосилни мамлакат омборларига топшира бошлайди. Йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш, пахтани сира нобуд қилмай ғарамлаб олиш—пахта тозалаш заводларига етказиб бериш ишлари бошланиши арафасидамиз. Бу, пахта комплекси барча бўғинларининг меҳнаткашларидан учун тиғиз ва масъулиятли мавсумдир.

Бу йилги мавсумнинг масъулияти ўзгача. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасини қизғин давом эттираётган пахтакорлар мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Қардош Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари республикамиз далаларида бўлганларида ҳам шуни таъкидладилар. Эндиги ишнинг муваффақияти пахтани вақтида қабул қилиб олиш, сифатли сақлаш ва қайта ишлашга нечоғлик пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. Ана шу масъулият пахта тозалаш саноати ходимлари олдига муҳим вазифалар қўймоқда.

Тармоқ иши самарадорлигини ошириш соҳасида кейинги бир йилда яхши тажриба тўпланди. Пахта тайёрлаш, қабул қилиш, қайта ишлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Янгича ишлаш пахтакорларга ҳам, хом ашёни қайта ишловчиларга ҳам катта наф келтиряпти. Пахтанинг сифати толага қараб баҳоланаётганлиги меҳнаткашлар манфаатдорлигини оширмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ пахта етиштиришни кўпайтириш, нобудгарчиликни камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан кўрилган тадбирлар ҳосил етиштирувчи хўжаликлар билан пахта тозалаш саноати ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, ўзаро масъулиятни кучайтириш имконини берди. Хом ашё тайёрлашда тартиб-интизом анча мустаҳкамланди. Топширилган пахтанинг миқдори ва сифатини аниқлашда илгари йўл қўйиб келинган жиддий камчилик ва нуқсонлар дадил бартараф этилмоқда.

Янгича ишлаш афзалликлари кўриниб турибди. Ўтган йили ҳосилнинг 89 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Тўртинчи сорт пахта 1983 йилга нисбатан 2,4 ҳисса кам тайёрланди. Пахтанинг қуритиш-тозалаш цехларида қизиб, чиқитга чиқиши аввалги мавсумдагидай тўрт баравар камайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтган йилги пахтани қайта ишлаш батамом тугалланган, 1983 йилдагига нисбатан қарийб 100 минг тонна кўп тола олинди.

Партия ва ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлиги пахта тозалаш саноати меҳнаткашларининг куч-ғайратини ошириб, ташаббус кўрсатиб ишлашга руҳлантирмоқда. Илғор коллективлар йилни муваффақиятли якунлаш, ўн иккинчи беш йилликни яхши бошлаб юборши учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилаётганликлари шундан далолат бериб турибди. Намангандаги 3/4-пахта тозалаш заводи коллективи фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида 1986—1990 йилларда контрол топшириқларга қўшимча 7 миллион сўмлик маҳсулот, келгуси йилнинг ўзида эса 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бунга асосан ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиладп. Наманганлик пахта тозаловчилар ҳосилни қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Республикадаги бошқа пахта тозалаш заводларида ҳам ҳосилни барвақт саранжомлаб олишга қаратилган катта тадбирлар кўриляпти. Бошланғич партия ташкилотлари қуритиш-тозалаш ускуналарининг шайлиги, қабул пунктларининг тайёрлиги, тарози ҳўжалигининг ҳозирлигини назорат қилиб бормоқдалар. Қатор коллективларда янги ҳосилдан сифатли тола ишлаб чиқариш имконини берадиган ташкилий-техникавий тадбирлар жадал амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг кейинги мажлисида ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарлик ишларини тўбдан яхшилаш юзасидан долзарб вазифалар ўртага қўйилди. Хўжаликлар билан пахта тозалаш заводлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда, хом ашёни сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишдаги мавжуд жиддий камчиликлар тезда тугатилиши зарур. Республика Госплани, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Меҳнат давлат комитети, «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси, Пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институти бу соҳада шошилинч тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши талаб қилинади.

Область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари пахта тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишни янада такомиллаштиришнинг етилган масалаларини ҳал қилишда, камчиликларни тугатишда, янги ҳосилни қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўришда хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширишлари, амалий ёрдамни кучайтиришлари керак.

Баъзи корхоналар янги мавсумга инҳоятда суст тайёрлик кўрмоқдалар. Пахта қабул қилиб олишни яхши йўлга қўйиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг ижроси текшириб кўрилмаяпти. Айрим қабул пунктларини мавсумга ҳозиргача ҳанузгача киришилмаган. Текширишларнинг кўрсатишича, бир қатор пахта тозалаш заводларини ремонт қилишда тегишли тартиб ўрнатилмаган. Ремонтчилар бажарган ишлар сифати текшириб кўрилмаётир. Заводлар ва қабул пунктлари ҳузуридаги лабораторияларни тегишли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда масъулиятсизлик фактларига барҳам берилмаган. Қуритиш-тозалаш цехларини машина-механизмлар билан таъминлашда ўзи-бўларчилик, сусткашлик юз бермоқда. Қашқадарё областидаги Ульянов, Косон пахта тозалаш заводларининг қабул пунктларидаги аҳвол бугунги талаблар даражасига жавоб бермаслиги аниқланди.

Вазифа—янги мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ барча ишларни уюшқоқлик билан юксак савияда ўтказишга эришишдан иборат. Маҳаллий партия ташкилотлари ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишлар марказини пахта тайёрлаш ва тозалаш билан боғлиқ коллективларга кўчиришлари, коммунистларнинг активлигини оширишлари, ишларининг сифатли, самарали бажарилишини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шуни унутмаслик керакки, долзарб мавсумда ремонтчилар коллективларига, пахта ташиш ва қабул қилиш билан машғул бўлган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Ремонт ва реконструкция-лаш ишларини тезлаштиришга ҳалақит берадиган камчиликларни тезда бартараф қилиш зарур.

Пахта ортган карвонлар тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводлари томон тўғрилаштирилган йўлга чиқадиган кунлар яқинлашмоқда. Бу, масъулиятли мавсумга ҳозирлик ишларини тезлаштиришни тақазо этади. Ишлар қанчалик тез ва пухта олиб борилса, пахтакорлар билан пахта тозаловчилар ҳамкорлиги ўз самарасини беради. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига муносиб совғалар тайёрланади. Пахта — миллий нефтхўжалиги, пахтачилик самарадорлигини ошириш интернационал бурчимиз эканлиги бирон дақиқа ҳам унутилмасин.

Сўз—тажрибакорларга

КЎСАКЛАР ШОДА-ШОДА

«Меҳнатдан келса бойлик—турмуш бўлар чиройли» деган нақлга ҳўжалигимиз меҳнаткашларининг фаровон ҳаёти яққол мисол. Пешона тери билан топилган даромад ҳисобига кўплаб маданий-маиший бинолар, шинам уй-жойлар, фарзандларимиз учун муҳташам мактаб ва боғчалар қуриб берилган.

Бу йил янада кўпроқ зафарларни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйганмиз. 860 гектар майдондаги ғўза қийғос ҳосилга кирган. Ҳар туп экиядаги шода-шода кўсакларга қараб, беҳад завқланасан, киши. Гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтаришни ният қилганмиз. Саидаҳмад Оҳунов, Абдуманнон Аҳмедов, Набижон Солибоев бошлиқ бригадалар аъзолари эса бундан ҳам юқори ҳосилни кўзлаб меҳнат қилишяпти.

Энди ўзим ҳақимда: 86 ёшга кирдим. Фарзандларим, невара-чевараларим кўп. Кексалик роҳатини кўриш билан бирга севган касбим—сувчиликни қўйганим йўқ. 10 гектар майдондаги ғўза менинг ихтиёримга топширилган. Кўп йиллик тажрибамга таяниб шуни ишончи билан айтаманки, ғўза парваришини пахта очилгунча тўхтатмаслик керак. Ҳосилнинг етилиши, толанинг сифатли, чидамли бўлиши экиннинг амали ва ривожига боғлиқ. Айниқса бу йил, партиямизнинг катта йиғини—съездолди йилида баракали хирмон кўтариш билан бирга, пахтанинг сифатини яхшилаш учун ҳар биримиз масъулмиз. Шундай экан, ҳар бир кўсакнинг пишиб етилиши учун ғўза парваришини давом эттириш, бегона ўтлардан тозалаш ва дефолиацияни сифатли ўтказиш керак. Шундагина, биз, пахтакорларнинг йил бўйи қилган меҳнати рўёбга чиқиб, ҳосил мўл бўлади.

Мен буларни ёшларга, хусусан хўжалигимизнинг бўлажак пахтакорларига доим ўргатиб келаман. Тўпланган тажрибаларимни улар билан баҳам кўраман. Кўнглимдагидек иш тутаётган Раҳматилла Исматуллаев, Ҳакимжон Дадабоев, Собир Раҳмонов сингари шогирдларим ютуғини кўрганда севиниб кетаман.

Колхозимиз деҳқонлари КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездларини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Ғўза қатор оралариға ишлов беришни ҳосил йиғим-терими тараддуди билан боғлаб олиб бориш — уларнинг шу кунлардаги энг муҳим ишига айланган.

Абдулла ҲАТАМОВ,
Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози сувчиси.



Комсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» совхози механизаторлари бу йил етиштириладиган 6 минг тонна ҳосилнинг 5 минг тоннасини агрегатлар бункеридан тўкишга аҳд қилишган. Шу мақсадда йиғим-теримда ишлатиладиган техника воситалари барвақт шайланиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўймоқда. Айни кунларда махсус сифат комиссияси аъзолари тайёр агрегатларни синчковлик билан қабул қилиб олмоқда. Суратларда: 1. (юқорида) моҳир механизатор О. Бурхонов. 2. Сўнгги машина тайёргарлик чизиғига қўйилмоқда.

Р. АШУРОВ фотолари. (ЎзТАГ).



ИЛҒОР ТЕХНИКА АСОСИДА

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЮТУҚЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш материалларини зўр завқ-шавқ ва якдиллик билан маъқуллаб кутиб олди.

«Малика» бирлашмасининг коллективи партия қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, «АвтоВАЗ» бирлашмасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўн иккинчи беш йиллик учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Беш йиллик охиригача ички трикотаж ишлаб чиқариш хажми 1,7 баравар кўпайтирилади, пландан ташқари 5,5 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш, 520 кишини бошқа ишлар учун бўшатиб бериш, маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш таъминланади.

Корхонани техника билан қайта қуришнинг катта программаси амалга оширилади; 1766 та энг янги машина-ускуна жорий қилинади, эскирган 759 та механизм янгиси билан алмаштирилади ва ишлаб турган 72 та техника модернизация қилинади. Қўшимча равишда 60 та котон ва тикис мато тўқиш машинаси ўрнатилади. Бирлашмадаги ҳамма иш жойлари аттестациядан ўтказилади, 20 та юқори сифат потоги ташкил этилади. «Янгилик» индекси қўйилган ва алоҳида модали маҳсулотлар ишлаб чиқариш жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 процентига етказилади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида фабрикалар, участкалар ва цехлар маҳсулот турларига қараб аниқ-равшан ихтисослаштирилади.

КПСС XXVII съезди шарафига иккинчи навбатнинг янги ишлаб чиқариш корпуси белгиланган муддатдан бир ой аввал ишга туширилади ва қувватларни барвақт ўзлаштириш ҳисобига аҳоли кўплаб талаб қилаётган трикотаж маҳсулотларидан камида 30 минг сўмлик ишлаб чиқарилади.

Энергетика ва технология машина-ускуналарини ишлатишни яхшилаш, иккиламчи иссиқликдан фойдаланиш, оқилона иш режимларини жорий қилиш ҳисобига 700 минг киловатт соат электр энергия ва 1,2 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади.

Материаллардан оқилона фойдаланиш, чиқитни қисқартириш натижасида ўн иккинчи беш йиллик мобайнида жами 300 минг сўмлик 25 тонна хом ашё тежалади.

Бутуниттифоқ трикотаж саноати илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали билан биргаликда 6 та серунум лентасимон тикиш конвейери жорий этилади. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюроси билан ҳамдўстликда қўл меҳнатининг улушини камайтиришга оид комплекс инженерлик тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадида ЕС-1046 типидаги янги серунум ЭҲМлар жорий этилади.

Корхонани ривожлантириш ҳамда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондлари, меҳнат коллективининг янгича ҳўжалик юритиш шароитида қилинган иш эвазига ҳосил бўлган фойда ҳисобига 1987 йилда 320 ўринли болалар боғчаси, 1988 йилда 500 ўринли ошхона, 100 ўринли профилакторий, 500 ўринли пионерлар лагери, 1990 йилда 120 ўринли дам олиш зонаси қурилади. Боғдорчилик, узумчилик уюшмаси ташкил этилади.

Социалистик мажбуриятлар меҳнат коллективининг йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

ДАСТЛАБКИ ЗАФАР

● Поп райони ғаллакорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатига актив қўшилиб, дастлабки меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Давлат қабул пунктларига 18061 тонна сара дон топширилиб, ўн биринчи беш йиллик плани 102,3 процент адо этилди.

Район ғаллакорлари қўлга киритган ютуқда Ленин номли совхоз-техникум, «Партия XXII съезди», «Правда», «Ленинград», Жданов номли колхоз ғаллакорларининг ҳиссаси салмоқли.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган области.

• *Ғолиблар ҳақида ҳикоялар*

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Меҳнат кишини улуғлайди, дейди халқимиз. Ўз ишига меҳр қўйган, уни пухта биладиган ва аъло даражада бажарадиган кишилар кўп. Ҳаётда, меҳнатда ўз ўрнини топиш, ўз қобилиятларини намоён эта билиш, кишиларга манфаат келтириш—катта бахт, албатта.

«Каршистрой» бошқармаси электр монтажчилари бригадири, СССР Олий Совети депутати Рўйиддин Рўзиев билан суҳбатлашгач, беихтиёр шундай фикрлар хаёлимга келди. Депутат сифатида Р. Рўзиевни тезда топиб оласиз: Қарши шаҳар ижроия комитетида унинг учун маълум кун ва соат ажратилган. Бу вақтда у ҳамиша ўз жойида бўлади. Аммо бригадир Рўзиевни топиш мушкулроқ. Чунки у механизациялашган кўчма колонна таркибида ўз бригадаси билан бир қўриқ посёлкасидан иккинчисига «кўчиб» юради. Улар кишилар учун зарур иш—совхозларни электрлаштириш билан шуғулланишади.

Ўтган йилдан бошлаб коллектив бригада пудрати асосида ишлай бошлади. Адолат юзасидан айтганда, улар шунга қадар ҳам план ва социалистик мажбуриятларини бажаришда колонна бўйича барчадан устун натижага эришаётгандилар. Меҳнат унумдорлиги ҳам юқори эди. Янги системага ўтгач эса, ютуқлар аввалгидан анча салмоқли бўлди.

Ўнлаб уй-жойлар ва мактабгача болалар муассасаларини электрлаштириш ишларида улар пудрат усулини қўлланиб, йиллик топшириқдагидан 31 минг сўмлик кўп электрмонтаж ишларини адо этдилар. Бошқача айтганда, бу социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидан 20 минг сўмлик ортиқ, демак. Айни вақтда ҳар бир ишчининг йиллик иш унуми 24 минг сўмликка етди. Қиёслаб қўрадиган бўлсак, бу — колоннада эришилган ўртача даражадан 5,5 минг сўмлик кўп. Бунинг учун эса меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камида беш процент ошириш лозим эди. Монтажчилар бригадаси бунга эришди. Хўш, нималар ҳисобига, деган савол туғилиши мумкин.

— Йигитларнинг барчаси юқори малакали электрчилардир,— дейди Р. Рўзиев. — Уларнинг ҳар бири электр монтаж ишларидаги барча операцияларни бажаришга қодир. Белгиланган марраларга эришишдаги ҳисоб-китобларимизнинг асосий бўғини мана шунда эди. Бироқ уюшқоқлик ва меҳнат интизоми, бригадани иш фронти ва зарур материаллар билан ўз вақтида ҳамда пухта таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Ана шуларга биз биринчи даражали эътибор берамиз...

Ўз меҳнатига берилган бундай камтарин баҳо ортида нималар ётганини илғаб олиш қийин эмас, албатта. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, ўтган йили бригада аъзо баҳога қабул қилинди. Бу йилги кўрсаткичлар эса янада афзал. Бригадир сифатида Рўзиев ишлардан озод қилинмаган: унинг ўзи катта ҳажмдаги ишларни бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

Рўзиевнинг фикрича, бригаданинг ҳамма аъзолари бор куч ва имкониятларини сарфлаб меҳнат қилишмоқда. Аммо А. Мустафоев, Ҳ. Воҳидов ва С. Аҳмедовлар ҳақида у алоҳида меҳр билан ҳикоя қилади. Қатор йиллар мобайнида улар ишлаб чиқариш топшириқларини барвақт ва аъло сифат билан адо этишяпти.

— Депутат қилиб сайланганимдан сўнг юмушлар янада кўпайди, — дейди Рўйиддин Рўзиев. — Бироқ улар менга малол келаётгани йўқ. Аксинча, оз бўлса ҳам кишиларга нафим тегишидан қувонаман. Очиғини айтганда, қабул кунларида ҳузуримга кишилар кам келса, ташвишланиб қоламан...

Юксак бурч ва масъулият туйғусини қалбдан ҳис этувчи кишигина шундай фикрлаши мумкин. Рўзиев айнан мана шундай кишилар жумласига киради.

Бригада аъзолари куни кеча беш йиллик планни муваффақият билан бажарганлари ҳақида рапорт бердилар. Иш суръати эса тобора ортмоқда. Монтажчилар коллективи республикамиз 18 зарбдор ишчисининг КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини биринчилар қатори қўллаб-қувватланганди. Улар зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятлар юксак марралар забт этилишидан далолат беради. Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади, чунки улар берган сўзларининг устидан чиқишга одатланишган.

Б. БЕЗРУКОВ.
Қашқадарё области.

МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси К. Фомвихан 26 август куни дўстона амалий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Меҳмон Тошкентдан Москвага учиб кетаётганида уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, республиканинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар. **(ТАСС).**

МОСКВАГА БОРА ТУРИБ

Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан 25 август куни Тошкентда тўхтаб ўтди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан дўстона амалий визит билан Совет Иттифоқига келди. 26 август куни Кейсон Фомвихан Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

ЛХДР, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган Тошкент аэропортида олий меҳмонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, Н. М. Маҳмудова кутиб олдилар ва кузатиб қолдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЛХДРнинг СССРдаги элчиси Тхонгсават Кхаккхампхитхун бор эди ва у Кейсон Фомвихан билан бирга Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

Визит тугади

ЛЕНИНГРАД, 25 август. (ТАСС). Ленинградликларнинг меҳмони — Финляндия Республикаси мудофаа министри В. Пихлаямяки билан халқ депутатлари область Совети ижроия комитетида суҳбат бўлди. Унга иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини, «Интенсификация-90» территориал — тармоқ программасини бажаришда меҳнаткашлар эришаётган муваффақиятлар ҳақида, ленинградликлар партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Ленинград ҳарбий округида меҳмон билан учрашув бўлиб ўтди.

Министр Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко номидаги Ҳарбий-Денгиз академиясида бўлди.

Пискарев мемориал қабристонида меҳмон Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ленинградликлар ва жангчилар хотирасини ҳурмат билан эсга олди, мемориалнинг биродарлик қабристонига гулчамбар қўйди. Ленинграднинг қаҳрамон мудофаачиларига ғаласа майдонида ўрнатилган монументга ҳам гуллар қўйилди.

Бугун В. Пихлаямяки Ватанига жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколовнинг таклифига биноан Совет Иттифоқига расмий визит билан келган эди.

ПАХТАЧИЛИК ЮКСАК САМАРАЛИ БЎЛСИН

26 август куни Наманганда «Пахта ҳосилдорлиги ва унинг сифатини яхшилаш» мавзуида Бутуниттифоқ кенгаши очилди. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими, «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси уюштирган кенгаш ишида мамлакатнинг барча пахтакор республикаларидан келган мутахассислар қатнашмоқда.

Пахтачилик самарадорлигини ошириш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларидан кенг фойдаланиш, машинада пахта териш сифатини яхшилаш масалалари, пахта далалари унумдорлигини ошириш йўллари муҳокама этилмоқда.

Кенгашни Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Разжабов очди. **(ЎзТАГ).**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: АТЕИСТИК ТАРБИЯ

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Қарийб йигирма йилдан буён аҳоли ўртасида атеистик пропаганда ишларини олиб бораяпман. Шу давр ичида кишиларимиз онгида динга нисбатан муносабат кескин ўзгарганлиги шоҳиди бўлдим. Меҳнаткашлар орасида динга ишонувчи кишилар тобора озайиб бораётгани қувончли ҳол, албатта.

Техникумимиз педагогика коллективи областимиздаги корхоналар ва маҳаллаларда атеистик пропаганда соҳасида фаол иш олиб боряпти. Бу соҳада биз завод ва фабрикалар, қурилиш ташкилотлари бошланғич партия ташкилотлари билан узвий алоқа боғлаганмиз. Яқинда трикотаж фабрикаси ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти билан ҳамкорликда Бухородаги Гагарин номли маҳаллада диний маросимларнинг зарари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказдик. «Икки дунё — икки хил тақдир», «Фан ва дин қарама-қаршилиги», «Янгича тўйлар ҳақида ўйлар» мавзуларида тематик кечалар шаҳардаги бошқа маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда. Шуниси эътиборга сазоворки, бундай кечаларда ишчи ва хизматчилар билан бирга уй бекалари, пенсионерлар, шунингдек, динга ишонувчи кишилар ҳам қатнашмоқдалар.

Маяковский номли кутубхона атеистик пропаганда ва тушунтириш ишлари олиб бориладиган марказ бўлиб қолди. Бу ерда мунтазам китобхонларнинг сиртқи конференциялари ҳам ўтказилаётир. Агитатор ва лекторлар яқинда ибратли ташаббус кўрсатишди: улар совет турмуш тарзининг афзалликлари, янгича маросимларнинг ҳаётбахш кучи, диний маросимларнинг реакцион моҳияти тўғрисида анкета саволлари тузиб, атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида тарқатдилар. Меҳнаткашлардан олинаётган жавоблар кутубхонадаги махсус қутида тўпланди. Бу жавобларда кишилар ўз турмушларида рўй берган воқеалардан мисоллар ҳам келтиришган эди. Атеистик пропаганда советининг аъзолари ҳар бир жавоб билан чуқур танишгач, навбатдаги тадбир сценарийсини биргаликда тузиб чиқдик. Якунловчи кечада меҳнат ветеранлари, уй бекалари, ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар тўпландилар. Бу кеча уч авлод учрашувига айланиб кетди. Кечада атеистик пропаганда бўйича лентага ёзиб олинган радио журналлардан, техникум киностудиясида суратга олинган ҳужжатли фильмлардан ҳам фойдаландик. Суҳбатда кеча қатнашчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Кечада техникум ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди. Ана шундай тадбирларнинг машмунли ва таъсирчанлигини, яхши самара бераётганлигини эътиборга олиб, уни бошқа маҳаллаларда ҳам ўтказишга қарор қилдик.

Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва маҳаллаларда олиб борилаётган илмий атеистик пропаганда айниқса, ёшларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Техникум ўқувчилари бундай тадбирларни ўтказишда фаол қатнашаётирлар. Биз шуни ҳисобга олиб, техникум қошида икки йиллик илмий атеизм халқ университети ташкил этдик. Ўқув юртини битириб чиққан ўқувчилар ана шу университетда назарий билим олганликлари сабабли ўз иш жойларида атеистик пропагандани ҳам олиб бормоқдалар. Шулардан Свердлов районидаги Ленин номли мактаб кутубхоначиси Назокат Назирова, Олот район маданият уйи ходими Ойжамол Ҳасанова, Навоий область, Навбаҳор район марказий кутубхонаси мудири Ҳабиба Шерматова ҳозир энг яхши атеист лекторлардан ҳисобланади.

Атеистик пропаганда совети кишилар ўртасида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқди. Яқинда техникум бошланғич партия ташкилоти йиғилишида ана шу тадбирлар асосида ўқув юрти коммунистларининг атеистик пропагандадаги иштироки масаласи муҳокама қилинди. Биз меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларини янада мазмунли, таъсирчан ва самарали бўлишига эришамиз.

Г. ҚАЮМОВА,
Бухородаги Олим Хўжаев номли маданият техникуми бошланғич партия ташкилотининг секретари.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида СССР Министрлар Совети арақ, ликер-арақ маҳсулотлари, коньяк, шампан виноси, спиртли узум виноси ва мева-резавор виноси, пивонинг чакана нархларини ошириш ҳақида қарор қабул қилди. Чунончи, ўткирлиги 40 градус бўлган арақ, ликер-арақ маҳсулотлари ва коньякларнинг 0,5 литри чакана нархларда ўрта ҳисобда 1 сўм 50 тийин оширилади, шампан виноларининг 0,8 литри 1 сўм, спиртли узум ва мева-резавор виноларнинг 0,7 литри 20 тийин, пивонинг 0,5 литри 5 тийин оширилади.

Спиртсиз, бир оз спирт қўшилган, бир оз ширали ва газли виноларнинг чакана нархлари оширилмайди.

Умумий овқатланиш корхоналари (ресторанлар)да сотиладиган пивонинг чакана нархи, шунингдек шу корхоналарда вино-арақ маҳсулотларининг устама нархи абсолют миқдорлари сақланиб қолади.

СССР Нархлар давлат комитетига янги чакана нархларни 1985 йил 27 августдан жорий этиш топширилди.

БОШҚАРУВ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

ЖАМИЯТНИНГ сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш зарурати ҳаёт тақозоси бўлиб, партиямиз шунга мувофиқ равишда экономикада эришилган ютуқлар, фан-техника тараққиёти асосида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг улкан режаларини белгилаб берди. Эндиликда халқ хўжалигини ўстириш суръатларини шунчаки оширишгина эмас, балки ривожланишда янги сифат кўрсаткичларига эришиш, янги стратегик муҳим йўналишларда тезроқ олға силжиш, ишлаб чиқариш структурасини қайта қуриш, интенсивлаш йўлига ўтиш, хўжалик механизмини, бутун бошқарув системасини чуқур қайта қуриш талаб этилмоқда. Бу ҳол илм аҳли, шу жумладан, ижтимоий фанлар соҳасида ишлаётган олимлар олдига ниҳоятда катта вазифалар қўймоқда.

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари совет жамиятшунослиги барча соҳаларини янада ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этадиган янги ғоя ва низомларнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб қолди. Марксча-ленинча назария янги, муҳим назарий қоида ва хулосалар билан бойиди.

Илм-фан олдига қўйилаётган бугунги талаблар илмий изланишларни активлаштиришни, илмий муассасалар куч-ғайратини мамлакат миқёсидаги амалий вазифаларни, хусусан ривожланган социализмни такомиллаштириш проблемаларини ҳал этишга қаратишни тақозо этмоқда. Бу гап юридик илмларга ҳам тааллуқли. Шу соҳа ходимлари давлат-ҳуқуқ устқурмасининг ривожланиши объектив қонунларини ўрганиб, унинг социал ва ижтимоий ҳаётга самарали таъсир этиши йўллари ва методларини ишлаб чиқмоқдалар. Олдинда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш эса кўп жиҳатдан илмий кадрлар аҳволи, илмий-тадқиқот ишлари кўлами ва бу ишга қайси кучлар жалб этилганлигига боғлиқ.

Ўзбекистонда малакали юрист илмий ходимлар оз эмас. Бугунги кунда республикада йигирма фан доктори ва профессор, 190 дан зиёд фан кандидати ишлаб турибди. Уларнинг сафи яхши тайёргарлик кўрган ижодкор ёшлар билан тўлиб бормоқда. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари эса монографияларда, дарслик ва рисолаларда, амалий тавсияномаларда ўз аксини топмоқда. Аммо ҳуқуқшунос олимларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, юридик фаннинг граждаплик, хўжалик ва меҳнат ҳуқуқлари соҳасида юқори малакали кадрлар сони замон талабига жавоб бермайди, шу соҳалар бўйича фан докторлари тайёрлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва июль Пленумларида демократияни, халқни ўз-ўзини бошқарув системасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ана шу нуқтаи назардан юрист олимларнинг изланишлари, асосий тадқиқотлари мазмунини бундан буён ҳам ривожланган социализм давлати ва ҳуқуқини такомиллаштириш проблемалари ташкил этади, деб комид ишонч билан айтиш мумкин. Ривожланган социализмни такомиллаштириш концепцияси кучи шундаки, у жамиятнинг социал-иқтисодий етукликда эришган даражасини, яқин йиллар ичида ва олис истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсад ва режаларни аниқлаш имконини беради. Айни чоғда бу концепция ҳозирги даврнинг хусусиятларини, улкан ютуқларимизни реалистик баҳолайди, мавжуд камчиликларни хаспўшлашга йўл қўймайди.

Юридик фан ривожланган социализм давлатининг вазифалари ҳамда тараққиёти билан боғлиқ қонуниятларни таҳлил қилиб бериши керак. Жамият маънавий ҳаётида, социал хизматлар кўрсатиш бобида, шунингдек, давлат ролини ўрганишда унинг аҳамияти катта. Айни вақтда фан-техника революцияси шароитида давлат иқтисодий вазифаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Бошқарув ва хўжалик юритиш системасини такомиллаштириш масалаларига КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида алоҳида эътибор берилди. Бу борадаги ишларни орқага суриб бўлмаслиги, бинобарин янги иқтисодий ва ташкилий шароитни вужудга келтирмай туриб, фан-техника тараққиётини чинакамига жадаллаштириш мумкин эмаслиги таъкидланди. «Министрликлар ва идоралар сони ғоят кўп бўлган ва ҳамон ўсиб бораётган республика бошқарув органлари структурасини такомиллаштириш соҳасида ҳали кўпгина ишлар қилиш керак, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Бу соҳада иттифоқ даражасидагига қараганда ҳам кўпроқ бошқарувни бирлаштириш ва марказлаштириш проблемаси етилди». Ижтимоий фанлар олимлари учун бу кўрсатма асосий дастур бўлиб қолади. Шу ўринда, жумладан, республикамиз аҳолиси сони тўрт марта кўпайгани ҳолда давлат бошқарув аппарати етти баравар кенгайганлигини эслатиш кифоя. Бу аппаратни қисқартириш, унинг энг муқобил вариантини топиш ва ихчамлаштириш йўлида катта иш олиб бориш лозим.

Сансалорликни келтириб чиқарувчи ортиқча звеноларни тугатиш, бошқарув меҳанизмини ташкил этишни ҳамда унинг техникавий таъминотини яхшилаш, у ёки бу бошқарув органининг оптимал структурасини ишлаб чиқиш керак. Ана шулар асосидагина ривожланган социализм даврида совет социалистик давлатининг асосий вазифа ва функцияларини, бошқарув органлари ҳамма бўғинидаги ҳуқуқий аҳволни, ташкилий тузилишини ва маъмурий формаларини такомиллаштириш мумкин. Бу борада олимлар олдида катта вазифалар турибди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил июль Пленумида таъкидланганидек, юрист олимларимиз Советлар ишини янада чуқурроқ ўрганиб, улар фаолиятидаги янги тенденцияларни ва тараққиётнинг ҳозирги босқичи учун характерли ташкилий формаларини очиб беришлари керак. Бунда Советлар бутун системасининг, хусусан қуйи звеноларнинг ролини ошириш, барча босқичдаги Советлар функцияларини мувофиқлаштириб бориш ва назорат этиш ишини кенгайтириш ҳамда бойитиш проблемаларига эътиборни кучайтириш талаб этилади. Советларнинг меҳнат коллективлари ва оммавий жамоат ташкилотлари билан муносабатларини янада яхшилашнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммоларини тадқиқ этиш зарур.

МАМЛАКАТИМИЗ ДА партия қарорлари, СССР Конституцияси қоидаларига биноан экономика самарадорлигини ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг, социалистик демократияни такомиллаштириш, граждапларнинг ҳуқуқларини гарантиялашни мустаҳкамлашнинг зарур шартларидан бири сифатида социалистик қонун ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш йўли изчил амалга оширилмоқда. Сиёсий системани ривожлантириш социалистик демократияни янада такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир кишининг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этишини таъминлаш олий мақсад бўлиб, бутун демократик системамизнинг барча бўғини шу йўналишда иш олиб бормоқда. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида социалистик қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқшунос олимларимизнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «Мустаҳкам қонунийлик — социалистик демократиянинг, социал адолатпарварлик принципига қатъий риоя этилишининг таркибий қисмидир». Социализм демократия орқали ўз афзалликларини амалга оширади. Бу демократиянинг янада кенг кўлам касб этиши ва чуқурлашиб бориши Коммунистик партиянинг раҳбар ва раҳнамолик роли билан боғлиқдир. Партиямиз халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарув улкан потенциалини амалга ошириш учун ҳамма ишни қилмоқда, барча босқичдаги Советларнинг ваколатларини кенгайтириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатмоқда, уларнинг ишида қонун, бошқарув ва назорат бирлигининг ленинча принципларини қатъий изчил татбиқ этмоқда. Халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг янги, янада самарали воситаларини излаш йўлида катта иш олиб бормоқда. Давлатшунос олимлар меҳнаткашларни давлатни бошқарув ишларида қатнаштиришнинг янада самарали ҳуқуқий формалари устида изланяптилар. Шу маънода совет демократиясининг мавжуд бўғинлари, хусусан ваколатли ва тўғридан-тўғри қатнашиш сингари ҳуқуқий формаларини ўрганиш, давлат аппарати ишини ташкил этиш ва унинг фаолиятидаги барча демократик асосларни ўрганиш муҳим аҳамиятга молиқдир.

Кун тартибига бошқарувни ва бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш вазифаси қўйилар экан, бунда асосий гап ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, пировард мақсади халқ фаровонлигини юксалтириш бўлган экономикани интенсивлаш, аҳолини саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизмат соҳасининг асосий хиллари билан таъминлашга қаратилган тадбирларга боғлиқ бўлиб қолади. Шу маънода қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида асосий ўрин эгаллаб турган «Пахтачилик экономикасининг ҳуқуқий проблемалари ҳамда хўжалик механизмини такомиллаштириш» комплекс мавзуси устида илмий тадқиқотлар олиб бориш жуда катта аҳамиятга эга. Пахтанинг саноатнинг бир қанча тармоқлари учун асосий хом ашё манбаи эканлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. Ўзбекистон эса «оқ олтин» диёри сифатида машҳур. Шу сабабли бу проблемани таҳлил қилишда иқтисодчилар билан бир қаторда граждаплик ва аграр-ҳуқуқ фанларининг вакиллари ҳам иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Республикамиз олимларидан хўжалик механизмини такомиллаштириш, хўжалик фаолиятининг натижалари учун масъулиятни ошириш юзасидан конкрет таклифлар кутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин социалистик мулкни, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, меҳнат қонунлари бузилишига, порахўрликка, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, давлат ҳисоботида қўшиб ёзишларга қарши, жамият ва давлат манфаатларига бошқача тарзда тажовуз қилишларга қарши кураш кучайтирилди. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар ички қиликбозлик, текинхўрликнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш соҳасида бенуқсон ишлашига эришиш лозим.

ЮРИДИК ФАНЛАР қонун ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳар қандай бузилиши ҳоллари (жиноий, маъмурий, меҳнат, хўжалик фаолиятидаги мулк қоидаларини бузиш ҳоллари)нинг сабабларини, улар қандай кўринишда содир бўлганидан қатъи назар, аниқлаши лозим. Айни чоғда ҳуқуқий қоидаларни бузиш ҳоллари содир бўлишига имконият яратган шароитларни аниқлаб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида, шу жумладан, таҳсимот муносабатларида бундай ҳолларни тугатишга қаратилган чоралар тўғрисида конкрет тавсияномалар ишлаб чиқиш даъват этилган. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, ички қиликбозлик, текинхўрлик, меҳнат қилмай даромад қилиш ҳолларига, ишёқмасликдан иборат фаолиятни оқлашга қаратилган тенглаштириш тенденциясига қарши қатъий кураш олиб борилмоғи керак. Бунда сидқидилдан меҳнат қилаётган кишиларнинг қонуний манфаатларига раҳна солинмоқда. Меҳнатсиз бойлик тўплаш ҳолларига ҳам қарши муросасиз кураш олиб боришга тўғри келадики, мамлакатимизнинг амалдаги «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципига қатъий амал қилиниши керак. Давлат меҳнат ва истеъмол мезони устидан назорат олиб боради. Шу нуқтаи назардан қаралса, юридик илмнинг муҳим вазифаларидан бири жамият ҳаётининг барча соҳаларида текинхўрликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашни кучайтириш зарурлигида рўй-рост намоён бўлади.

Криминалист-юрист олимлар ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга ана шу соҳаларда ёрдам беришлари лозим. Бу ёрдам шу ҳилдаги ишлар юзасидан суд практикасини умумлаштириш негизида илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳамда тақсимот муносабатлари ҳуқуқий проблемаларига бағишланган, кенг оммага мўлжалланган ва тушунарли бўлган илмий-оммабоп асарлар яратишдан иборат.

Буларнинг ҳаммаси юридик тадқиқотлар жабҳасини ниҳоятда кенг ва ранг-баранг эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Демак, Ўзбекистон олимлари социалистик жамиятнинг давлат-ҳуқуқ омилларини такомиллаштиришнинг ҳозирги вазифаларини амалга ошириш учун кўп иш қилишлари керак. Республикамизда юридик фанларнинг бундан буёнги тараққиёти ҳам одатдагидек КПСС ва Совет давлати амалга ошираётган сиёсий вазифалар ва тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилсагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

О. ЭШОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.



Надежда Нижник Чирчиқ трансформатор заводида 1978 йилдан бери ишлаб келаётир. У план-топшириқларини мунтазам 120-130 процент бажариб келмоқда. Ураш ва магнит ўтказиш цехи лакловчиси Н. М. Нижник қўлидан чиққан маҳсулотлар аъло сифати билан ажралиб туради. Ҳалол меҳнати, коллектив иши учун жонкуярлиги туфайли у корхонада катта обрў-эътибор қозонди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Суратда: илғор ишчи Н. М. Нижник. А. ТУРАЕВ фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

«Учқора» совхозининг айрим раҳбарлари хизмат вазифасини суиистеъмол қиляптилар. Бунга қачон чек қўйиладиғ? —дейилади Хатирчи районидан олинган бир группа ишчиларнинг хатида.

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ қуйидагиларни хабар қилади:

— Текшириш якунлари Хатирча район партия комитети бюросида кўриб чиқилди. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун «Учқора» совхози директори У. Тошевга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Шунингдек, директорнинг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Ш. Раҳматовга ҳам ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Шунингдек, текшириш якунлари совхоз ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Унда область ва район партия комитетларининг масъул ходимлари, район прокурори ҳамда хат юзасидан текшириш ўтказган область партия комитети комиссияси аъзолари иштирок этишди.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

Бир группа ўқитувчилар хатида Марҳамат районидаги гидромелиорация техникумида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳамда таълим-тарбия ишларида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

МАРҲАМАТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қуйидагилар хабар қилинади:

— Хатдаги баъзи фактлар тасдиқланди. Текшириш якунлари техникум бошланғич партия ташкилоти очиқ партия йиғилишида муҳокама қилиниб, ўқув хўжалиги бошлиғи К. Шокиров қаттиқ огоҳлантирилди.

Коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганликлари учун техникум бошланғич партия ташкилоти секретари Ш. Буваев, техникум директори А. Исоқовлар огоҳлантирилдилар.

Район партия комитети техникумда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳамда таълим-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилади.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги август сони босмадан чиқди. Журнал КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил июль Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш билан очилади. Журналнинг бу сонида Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг VI пленуми материаллари кенг ўрин олган. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси С. Қурбоновнинг пленумда қилган докладининг баёни «Партия планларини амалга оширишда ёрдам берайлик» сарлавҳаси остида босилган.

«КПСС XXVII съезди олдидан» рубрикаси остидаги анкета саволларига бу сонда «Ёш ленинчи» газетасининг масъул секретари Т. Назаров жавоб берган. «Редакция партия ташкилоти» рубрикаси остида Андижон область «Коммунист»» газетаси бошланғич партия ташкилоти бюросининг секретари К. Нишоновнинг «Бошланғич ташкилот нималарга қодир?», «Конкурс ғолиблари» рубрикаси остида «Наманганская правда» газетаси редактори Н. Бокановнинг «Теманинг барча қирралари» ва «Ленин учқуни» газетаси редактори Ж. Раззоқовнинг «Олтин қўллар мадҳи», «Мактаб ислоҳоти — барчанинг иши» рубрикаси остида «Учитель Узбекистана» газетасининг бўлим мудири А. Уличкиннинг «Энг яхшилар тажрибасини пропаганда қиламиз» ва «Ўқитувчи» нашриётининг директори Н. Ҳотамовнинг «Ислоҳот ва янги вазифалар» сарлавҳали мақолалари берилган.

Журнал саҳифаларида Фарғона политехника институти илмий коммунизм кафедрасининг ўқитувчиси А. Шодиев «Турмуш тарзи ва матбуот», Фарғона область «Коммуна» газетаси редакторининг ўринбосари А. Ортиқов «Энг кучлилар мусобақа ғолиблари» сарлавҳали мақолалари билан қатнашганлар. «Назарий семинар» бўлимида «Ривожланган социализмнинг актуал проблемалари ва матбуот вазифалари» ўқув программаларининг навбатдаги 9-машғулоти материаллари ва бу машғулотга тегишли адабиётлар рўйхати эълон қилинган.

Журналда шунингдек, «Редакцияда НОТ», «Саволга жавоб», «Редакция почтасидан», «Бизнинг вернисаж», «Фоторепортаж» ва бошқа рубрикалар остида ҳам республика матбуотига доир қизиқарли материаллар ўрин олган.

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республикамизда «Совет Ўзбекистони» газетаси кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Унда ёритилаётган ранг-баранг мавзулардаги мақолалар газетхонлар эътиборини тобора ўзига жалб қилмоқда.

Яқинда Қашқадарё областининг Китоб шаҳрида «Совет Ўзбекистони» газетхонлар конференцияси ўтказилди. Конференцияда газета редактори ўртоқ Л. Қаюмов редакция коллективи амалга ошираётган ишлар ҳамда навбатдаги ижодий режалар тўғрисида газетхонларга гапириб берди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Китоб район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Мелентьев, район «Ғалаба» газетаси редактори ўринбосари М. Ҳайдарова, қумшағал саралаш ва темир-бетон заводи экскаваторчиси М. Тўраев, Ульянов номли ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари Ҳ. Ҳоликова каби ўртоқлар отаҳон газетада замонамиз қаҳрамонлари, совет турмуш тарзи, янгича урф-одатлар мароқ билан қизиқарли ҳикоя қилинаётганлигини қайд этиб ўтдилар. Шу билан бирга улар ахлоқ-одоб мавзуида, фан, мактаб-маориф, комсомол-ёшлар ҳаётидан тематик саҳифалар, кўпроқ салбий ҳодисалар —кўзбўямачилик, ошириб ёзиш, порахўрлик, ички қиликбозлик ва бюрократизм ҳақида ўқимишли материаллар, фельетонлар бериб бориш истагини билдирдилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет эллардa

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ЮКСАК БАҲО

АДАН. Ҳукуматнинг бу ерда ўтказилган мажлисида СССР билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиянинг 6-мажлисига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. ЯХДР Министрлар Кенгаши Демократик Яман билан СССР ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожидан мамнун эканлигини билдирди ва республиканинг экономикасини мустаҳкамлашда Совет Иттифоқининг ёрдамига юксак баҳо берди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

ЖАЗОИР. Телевидение жазоирликларнинг ҳаётига тобора сингиб бормоқда. Иккита ретрансляция станцияси қуриб битказилганидан кейин Бунра ва Борж — бу-Аррериж вилоятларида телевизорлар ишлай бошлади. Эндиликда бу вилоятларнинг аҳолиси пойтахтдан телевизион кўрсатувларни қабул қила олади. Оран вилоятида худди шундай учта объект реконструкция қилиниб, ишга туширилди.

ИСРОИЛДА ҚИММАТЧИЛИК

АММОН. Исроилда қимматчилик жуда ошиб кетганлиги қайд этилди. Исроил радиосининг хабар беришича, июль ойида чакана нархлар 27,5 процент ошган. Бу — Исроилнинг бутун тарихидаги энг юксак кўрсаткич.

Нарх-наво кўтарилиб, пулнинг муттасил қадрсизланиб бораётганлиги бутун Исроилни қамраб олган мудҳиш социал-иқтисодий кризисдан далолат беради. Мамлакатни қўшни давлатларга қарши ҳарбий авантюралар йўлига тортаётган Тель-Авивдаги ҳукмрон сионист бошлиқларнинг авантюристик сиёсати бу кризисниг рўй беришига асосий сабаб бўлди.

АРАБ ЁЗУВЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

ДАМАШҚ. Сурия пойтахтида араб ёзувчилари иттифоқининг навбатдаги съезди очилди. Кўп вакил иштирок қилаётган ана шу анжуман делегатлари орасида вице-президент Муҳаммад Зуҳайр Машариқа нутқ сўзлади. У ўз нутқида Яқин Шарқдаги вазиятга Америка маъмурияти ҳамда Исроилнинг региондаги агрессив режаларига қарши курашни кенгайтиришда Миср ёзувчиларининг роли масалаларига тўхталиб ўтди.

(ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ПЕКИН. Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Далянь озод этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан Совет Армияси қаҳрамонларига шаҳар марказида ўрнатилган ёдгорлик пойига ХКП Далянь шаҳар комитети, шаҳар халқ ҳукумати ва Хитой—Совет дўстлиги жамияти Далянь бўлими номидан гулчамбарлар қўйилди. Люйшунькоу (Порт-Артур) районида ва Цзиньсянь уездида Совет Армиясининг ҳалок бўлган қаҳрамонлари ёдгорликлари пойига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Хитой ҳарбий денгиз кучлари сиёсий академияси япон босқинчиларини устидан қозонилган ғалаба учун курашда ўз жонини фидо қилди. Совет учувчилари япон ҳарбий ҳаво кучларига оғир талафот етказдилар.

Совет қўшинлари 1945 йилнинг 8 августида Хитойнинг шимоли-шарқида мустаҳкам ўрнашиб олган Япониянинг Квантун армиясига қарши ҳужум бошладилар, дейилади мақолада. Бу эса Япониянинг таслим бўлишини тезлаштирди ва Хитойнинг шимоли-шарқий қисмини озод қилишда муҳим роль ўйнади. (ТАСС).

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 26 август. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотида хабар қилинишича, ўтган кечаю-кундуз мобайнида фронтнинг кўпгина участкаларида артиллерия отишмалари давом этди. Майсан районида душманнинг бир батальон бўлиб олға силжишга уриниши даф этилди.

Эроннинг узоққа отувчи артиллерияси Аш-Шихоби ва Дарбандихон районлари аҳоли пунктларини яна ўққа тутди.

НИКОСИЯ, 26 август. (ТАСС). Эрон ИРНА агентлигининг таъкидлашича, Эрон қўшинлари Қасри Ширин яқинидаги Қора Садаф районида ҳужум бошлаб, душманнинг 200 солдат ва офицерини тор-мор келтирган. Ироқликлар анчагина ҳарбий анжомини бой берган, бир қанча кўприк ва ҳарбий истеҳкомлар вайрон қилинган.

Хусайни районида кучли артиллерия отишмалари бўлиб ўтган.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига

ДАВР, ЭКРАН, ИЖОДКОР

БУГУН — СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

Барча санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинодир.

В. И. ЛЕНИН.

КПСС XXVII съездига саноқли ойлар қоляпти. Барча совет кишилари каби ўзбек кинематографчилари ҳам партиямизнинг олий анжуманини муносиб ижодий меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун астойдил изланмоқдалар.

Икки съезд оралиғида бадиий кинода ҳам, ҳужжатли кинематографияда ҳам ютуқлар деб тилга олса арзигулик асарлар яратилди. Бу биринчи навбатда КПСС Марказий Комитети тарихий Пленумлари қарорларининг даъвати самарасидир. КПСС Марказий Комитети «Кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва кинематографиянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу ҳужжат санъатга бўлган улуғ ғамхўрликнинг яна бир далилидир. Қарор совет кинематографчилари учун ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр ичида республикамизда қирқдан ортиқ бадиий ва телевизион бадиий, икки юздан ортиқ ҳужжатли, илмий-оммабоп, кўп миқдорда буюртма картиналар экранлаштирилди. Бу асарлар ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларни акс эттиради. Ҳар галгидек бу сафар ҳам тажрибали режиссёрларимиз ташаббус кўрсатиб ишладилар, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига муносиб совға тайёрладилар. Масалан, Шуҳрат Аббосов «Оловли йўллар» кўп серияли фильми устидаги ишини давом эттирди, картинанинг янги туркумларини суратга олди. Томошабинларга яхши маълум бу киноэпопея улуғ шоир, маърифатпарвар ва революционер Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сиймосида ўзбек интеллигенциясининг шаклланиши, унинг Октябрь инқилоби буюк тантанаси учун олиб борган курашини, фидойилигини кўрсатади. Шуни фахр билан айтиш керакки, ўн етти серияли фильм мамлакатимизда биринчи марта бизнинг кинематографчиларимиз томонидан экранлаштирилди. Асарнинг сўнгги сериялари яқин кунларда Марказий телевидение орқали намойиш этилади.

Элёр Эшмуҳамедов раҳбарлигида суратга олинган «Даҳонинг ёшлиги» бадиий фильми миллий маданиятимизда, совет кинематографиясида воқеа бўлди. Картина ижодкорлари ўрта аср Бухоросининг муҳитини тарихан аниқ ғавдалантириб, улуғ олим Абу Али ибн Сино ҳаёти мисолида илм-фан билан санъат шахсни вояга етказишда қандай таъсир ўтказишини ёркин кадрларда кўрсатиб бердилар. Фильм муаллифлари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Съездлар оралиғида Латиф Файзиев унумли ижод қилди. Санъаткор «Севги афсонаси», «Ватан хизматида», «Уйғониш», «Олтин сур» каби мароқли картиналар яратди. «Советский экран» журнали йиллик томошабинлар конкурси қатнашчиларининг 49 фойизи «Севги афсонаси» фильмини энг яхши асар деб эътироф этди.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг «Афғонистон: революция давом этади» картинаси СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. «Бўйсунмас» (режиссёр А. Қобулов), «Ленинградлик.лар, жигаргўшаларим менинг» (Д. Салимов), «Лейтенант Некрасовнинг хатоси» (Р. Ботиров), «Майин ёмғир ёғади» (Н. Тўлахўжаев) каби бадиий, шунингдек, қатор ҳужжатли фильмларни ҳам студиянинг яхши ишларидан деб биламиз. «Майин ёмғир ёғади» картинаси Лейпцигда ўтказилган Халқаро кинофестивалда «Олтин кабутар» соврини билан мукофотланди.

Ютуқлар, шубҳасиз, режиссёрларнинг, кинодраматурглар-нинг, операторлар ва артистларнинг маҳорати ўсиб бораётганлигидан, улар ўз устиларида пухта ишлаётганлигидан, энг муҳими, давр, экран ва ижодкор масъулиятини қалбдан ҳис этаётганлигидан далолат беради. Ранг-баранг мавзуларга мурожаат қилинмоқда, режиссура соҳасида оригинал изланишлар пайдо бўлаётир, актёр ва актрисалар имкониятларидан, қобилиятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу ишимиз тамомон яхши кетяпти, деган фикрни билдирмайди. Ҳамон қатор фильмлар қуруқ қайд ва ахборотдан юқори кўтарилолмаяпти. Кўпгина асарларда муаммолар ва мавзуларга юзаки ёндашиш ҳоллари учрамоқда.

Камчиликларни тугатишда бизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва унинг қарорлари қимматли ёрдам бераётир.

Пленум ва унинг кўрсатма, йўл-йўриқларини, маслаҳатларини республикамиз кинематографчилари ҳам зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Пленум қарорларини бажаришга барча санъат аҳли, жумладан, киночилар ҳам даъват этилди. Биз суратга олиш майдончасидаги ишимизни, сценарийлар папкамизни қайта кўриб чиқдик. Киностудияларнинг Бадиий совети ва сценарий-редакцион коллегияларининг масъулияти янада оширилди. Ижодкорларнинг активлиги, воқеа ва қаҳрамон танлашдаги зийраклиги, ҳушёрлиги кучайтирилди. Ўзи «оқиб» келадиган баъзи хом асарлар ва сохта қаҳрамонларга батамом чек қўйилди. Киночиларимиз пленумнинг «ҳар бир коммунистнинг партиявий виждони ҳар қандай камчиликларга қарши, партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларидан озгина бўлсада чекинишларга қарши исён қилсин», деган талабини қалбан ҳис этиб изланмоқдалар.

Юксак партиявий ва давлат интизоми, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, уюшқоқлик ва тартиб, ишда камтарлик муқаррар бўлган жойлар, коллективлар ҳақида ҳикоя қилишни асосий бурчимиз деб биламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми руҳи билан суғорилган, унинг даъватлари жавоб берадиган картиналар ишланди. Э. Эшмуҳамедовнинг кинодраматург Ж. Исҳоқов билан ҳамкорликда яратилган «Хайр, ям-яшил ёз!» бадиий фильми, шунингдек, бир нечта ҳужжатли картина ана шулар жумласидандир. «Хайр, ям-яшил ёз!» асарида актив ҳаётий позиция масалалари кўтарилган, нотўғри хатти-ҳаракатлар фош қилинган. Ҳужжатли картиналарда эса, пораҳўрлик, ўғрилик, савдогарлик, маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик билан шуғулланган, «ошна» бўлган кимсалар фош этилади. Айни вақтда партия ва ҳукуматимизнинг тарихий қарори муносабати билан алкоголизм ва ичкиликка қарши кураш мавзуида ҳам фильмлар ишланди. Бунга ўхшаш майдончасидаги ишимизни, сценарийлар папкамизни қайта кўриб чиқдик. Киностудияларнинг Бадиий совети ва сценарий-редакцион коллегияларининг масъулияти янада оширилди. Ижодкорларнинг активлиги, воқеа ва қаҳрамон танлашдаги зийраклиги, ҳушёрлиги кучайтирилди. Ўзи «оқиб» келадиган баъзи хом асарлар ва сохта қаҳрамонларга батамом чек қўйилди. Киночиларимиз пленумнинг «ҳар бир коммунистнинг партиявий виждони ҳар қандай камчиликларга қарши, партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларидан озгина бўлсада чекинишларга қарши исён қилсин», деган талабини қалбан ҳис этиб изланмоқдалар.

Экран асарларининг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш учун қатор муаммоларни ҳал этиш зарур. Булардан асосийси сценарийлар масаласидир. Профессионал кинодраматургларни ўстириш, тарбиялаш, қўпайтириш ҳамон долзарб проблема бўлиб қолмоқда. Сценарий ёзадиган авторлар камлиги учун бошқа шаҳарлардан муаллифлар таклиф қилиняпти. Бу тажрибанинг самараси ҳам бизни тўла қониқтирмайди. «Қўлдан ўтар» сценарийлар ёзилмоқда. Бундай асарлар асосида ҳеч қачон баркамол фильмлар экранлаштирилмаган, экранлаштириб бўлмайди ҳам. Шунинг учун кинодраматургия ишига Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ёрдами билан таниқли адибларни жалб қилиш ҳақида ўйлаяпмиз. Ҳар бир ёзувчига хат билан мурожаат қилинди. Ҳурматли сўз санъаткорларимиз бизни тушунадилар ва бизга яқиндан ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

Актуал замонавий фильмлар яратиш учун кинорежиссёрлар ўз профессионал маҳоратларини тинмай, мунтазам ошириб боришлари лозим. Лекин, афсуски, баъзи режиссёрларимиз ўз устиларида мунтазам ишламайдилар, маҳоратларини ўстириш ҳақида қайғурмайдилар. Бир-иккита фильм экранлаштиргач, «режиссёр сифатида ўзимни исботладим», деб бемалол юраверадилар. Хом, ўртамиёна асарлар яратилишининг сабаби нимада? Ҳамма гап санъатга бўлган масъулиятнинг қалбдан астойдил ҳис этилмаганлигида. Тўғри, санъаткорларимизда қобилият, талант, тажриба йўқ эмас, бор. Лекин қунт мустаҳкам эмас. Ёшлар кинонинг келажагини белгилайдилар. Кейинги беш йил ичида ўзбек киносига 27 ёш ижодкор келиб қўшилди. Бироқ очиғини айтганда, уларда ташаббус, активлик етишмайди, ишга ёниб, жўшиб киришолмайдилар. Эҳтимол, ёшлардаги сусткашликда, пассивликда баъзи жиҳатдан катта авлод вакилларининг ҳам айби бордир. Ўзбекистон Кинематографчилар союзи, студиялардаги Бадиий советлар ижодкор ёшлар билан ишлашда етарли фаоллик кўрсатмаётирлар. Санъатнинг юксак роли ва ўрни учун кураш ёш ижодкорларни тарбиялашдан бошланмоғи лозим.

Фильмлар сифатига алоқадор бўлган баъзи соф техник масалалар ҳам мавжуд. Студияларни замонавий энг янги техник воситалар билан қайта жиҳозлаш зарур масала бўлиб турибди. Партия ва ҳукуматимизнинг кейинги йилларда кино санъати бўйича қабул қилган қарорларида бу масалаларга атрофлича тўхталиб, кинонинг ғоявий-бадиий савиясини ошириш йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Кино ходимлари ана шу кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ этишда активлик кўрсатишлари зарур.

Коммунистик партия халқимиз олдига қўяётган тарихий вазифаларни бажаришда идеологик ишнинг таъсирчанлигига, «сўз камроғу ишнинг кўп бўлиши»га эътибор бермоқда. Бугунги кунда кишиларимизни қизиқтираётган барча масалалар, мавжуд муаммолар экранда ҳаққоний, ҳаётий аксини топмоғи керак. Шунга эришиш лозимки, ҳар бир фильм томошабинга маъқул бўлсин, уни илҳомлантирсин, ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундасин.

Партия ва ҳукуматимиз санъаткорлардан КПСС XXVII съездини кутиб ола туриб, ижодий ютуқларни қатъият ва изчиллик билан кўпайтира бориб, халқ турмушининг бунёдкорлик руҳига яна ҳам чуқурроқ дадил кириб боришни, ҳаётнинг муҳим проблемаларини, совет кишиларини тўлқинлантираётган масалаларни ўз вақтида англаб, илғор замондошимиз образини зийраклик билан кўришни, унинг социалистик онги бойлигини, у қилаётган ишларнинг революцион ўзгартирувчилик мазмунини пухтароқ англашни талаб этмоқда. Коммунистик бунёдкорликнинг олдинги маррасида бўлиш, ленинчи партиямизга, қаҳрамон халқимизга садоқат ва фидокорлик билан хизмат қилиш муқаддас бурчимиздир.

БИЗНИНГ СПРАВКА

● КПСС XXVI съездидан кейин, то шу бугунга қадар ўзбек кинематографчилари 40 дан ортиқ бадиий ва телевизион бадиий, 200 дан ортиқ ҳужжатли, илмий-оммабоп, шунингдек, буюртма фильмлар яратдилар.

● Республикамиз киночилари экранлаштирган «Даҳонинг ёшлиги», «Афғонистон: революция давом этади» картиналари совет кино санъатининг энг яхши намуналари сифатида СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

САНЪАТКОРНИНГ БУРЧИ

Малик ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правленесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти

ҚУТЛУҒ ЙЎЛЛАР

«Оловли йўллар» киноэпопеясининг режиссёри, СССР халқ артисти Шуҳрат АББОСОВ билан суҳбат



Суратда: «Оловли йўллар» кўп серияли фильмидан кадр.

— Шуҳрат Солиҳович, биринчи навбатда сизни, қолаверса, киноэпопея яратилишига ҳисса қўшган барча ижодкорларни улкан ишни муваффақиятли тугатганларингиз, КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига муносиб совға тайёрланганликларингиз билан астойдил табриклаймиз.

Айтинг-чи, фильмдан кутилган асосий мақсад нима эди?

— Чет элларда, хусусан, Ғарбда ўзбек интеллигенцияси Октябрь инқилобини қабул қилмаган, деган фикр юради. Бу мутлақо нотўғри, бемаъни, асоссиз фикр. Ўзбек интеллигенцияси биринчилар қаторида Октябрь инқилобини қучоқ очиб кутиб олди, унинг ғалабаларини мустаҳкамлаш учун активи курашди, керак бўлганда ҳатто жонини ҳам аямади. Улуғ шоир ва маърифатпарвар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий худди шундай ватандошларимиздан бири эди. Биз Ҳамза мисолида ўзбек интеллигенциясининг Октябрга интилган, бағрида Улуғ Инқилоб ғалабаларини ардоқлаган ва Октябрь учун жонини фидо қилган умумлашма образини яратиб, душманларни, уларнинг пуч «фикрлари»ни фош қилишни ўз олдимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз.

— Боя, Сиз, фильмни тамомлаганимдан хурсанд бўлишим табиий, лекин мен бошқа нарсадан кўпроқ шодман, мамнунман, дединг-из. Агар мумкин бўлса, шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Ҳамза билан тўққиз йил «ҳамнафас» бўлдим. Шундан ўзимда йўқ хурсандман. Улуғ шоир ва революционернинг ўз эътиқоди ва идеали учун қанчалик активлик билан курашгани, ватанпарварлиги, бетакрор мардлигини ҳис қилиб яшадик, ишладик. Ҳамзанинг инсоний фазилатлари бизларга, яъни саксонинчи йиллар одамларига худди замондош ибратидай таъсир қилишини кўриб турибсиз, унинг буюклигига яна бир бор қойил қолдик. Биласизми, Ҳамза менинг тававвуримдаги Ҳамзадан анча зиёд, баланд экан. Унинг билан ҳамнафас бўлган йилларимни бир умр унутмайман, унутолмайман!

— Бош ролнинг ижросини қандай баҳолайсиз?

— Биз Ўлмас Алихўжаевни Ҳамза ролига тасдиқлаганимизда, тўғриси, сал ҳаяжонланган эдик. Роль — улуғ шоир ва инқилобчининг роли, фильм — кўп серияли, қийналиб қолмасмиканмиз, деб иккиланган пайтларимиз ҳам бўлган. Лекин барчаси ўткинчи ҳаяжонлар экан. Ўлмасжон ғоятда масъулиятли, айни вақтда шарафли ролни кутилгандек ижро этиб берди.

Ютуқнинг сири нимада? Ўлмас Алихўжаев ижрочи актёр эмас, ижодкор ижрочи актёр. У «сценарийда нима бўлса, шу-да», деб ўтирмайди. Ўзи ҳам ижод қилади, роль устида мулоҳаза юритади, мана бундай қилсак қандай бўларкин, мен бундай тасаввур қиламан, деб бамаслаҳат изланади. Воқеага анчадан бўлган оддий хабардан тортиб, йирик романгача ўқиб чиқади. Улардан ижодий фойдаланишга ҳаракат қилади. Унда бош роль, кичик роль деган мулоҳаза умуман бўлмайди. Ролнинг мағзини обдон чақмасдан туриб, ҳеч қачон съёмка майдонига келмайди. Устозлар тажрибаси, маҳорати унинг учун муқаддас дорилфунун.

Мен Ўлмас Алихўжаев улуғ шоир, маърифатпарвар ва революционер образини яратиб берди, деб баралла айта оламан.

— Фильмда қатнашган бошқа актёр ва актрисалар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Менга қолса, киномизда иштирок этган ҳар бир ижрочи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган бўлардим. Аввало шуни қувонч билан эътироф этишим керакки, фильмда машҳур санъаткорлар иштирок этдилар. Уларнинг аксариятини томошабинлар яхши билишади. Масалан, Иннокентий Смоктуновский каби атоқли актёрнинг суратга олиш майдончасига ташриф буюриши ва ўзига топширилган ролни кутилганидек қойилмақом талқин қилиб бериши барчамизни бирдай хурсанд этди. Ёш актёр ва актрисалар у билан қисқа вақт ҳамнафас бўлган бўлсалар-да, кўп нарса ўрганишди. Тамара Варлей, Лев Пригунов, Расим Балаев сингари қардош санъаткорлар ҳам «Оловли йўллар»га ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Киноэпопеяда республикамиз артистлари актив қатнашдилар.

Унутилмас инсон ва истеъдодли санъаткор Ботир Зокиров Рабиджанат Тагор ролини талқин қилган. Режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев асарда Олчинбек ролини ижро этди. Баҳодиржон ролнинг моҳиятини, мағзини шундай чуқур англаб ўйнадики, кўрган киши уни ҳеч қачон театр режиссёри Баҳодир Йўлдошев деб ўйламайди, узоқ йиллардан бери кинода роль ўйнаб келаётган тажрибали профессионал киноактёр деб ҳисоблайди.

Умуман, биз актёр ва актрисаларнинг ижрочилигидан мамнунмиз.

— Ўн етти серияли фильм мамлакатимизда биринчи марта экранлаштирилди. Бу маданиятимизда катта воқеа, албатта. Сир бўлмаса, айтингчи, шундай йирик киноэпопея яратаман деб ўйлаганмидингиз?

— Йўқ. Лекин Ҳамза ҳақида фильм экранлаштиришни мўлжаллаб юрардим. «Оловли йўллар» фақат менинг ишим эмас. Бу асар эпизодик роль ижро этган ҳаваскордан тортиб, оператор Абдураҳмон Исмоиловгача тегишли. Бу асар устоз Комил Яшин, ажойиб дўстимиз Борис Привалов, қолаверса, бутун Ўзбекистоннинг хизмати самарасидир!

Шуҳрат Аббосов «Абу Райҳон Беруний» фильмининг муваффақиятидан сўнг Ҳамза ҳақида кино асари яратишга зўр илҳом ва кайфият билан, шиддат билан киришган эди. Самарани кўриб турибмиз. Моҳир санъаткорнинг бу галги иши ҳам халқимиз, кенг томошабинлар оммаси, қолаверса, Бутуниттифоқ киномухлислари кутгандек муваффақиятли якунланди. Режиссёр ўз ишидан хурсанд, илҳоми ва кайфияти баланд. Энди у навбатдаги масъулиятли ишга қўл урди: оддий ишчидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари даражасигача кўтарилган ажойиб инсон ва ташкилотчи Усмон Юсупов ҳақида икки серияли фильм яратмоқда.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири Ю. БЕРДИЕВ олиб борди.

ҲАМКОРЛИК ҲАҚИҚАТИ

Латиф ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ижодий ҳамкорлик кинематографияда алоҳида аҳамият касб этади. Мен буни ўз тажрибамдан биламан. Мамлакатимиз кинематографиясининг улкан маскани — «Мосфильм» киностудияси ва Ҳиндистон санъаткорлари билан ҳамкорликда қатор фильмлар ишладим. Яқинда «Ватан хизматида» деган картинам экранга чиқди. Асарда бундан юз эллик йил бурун бошланган Совет — Афғонистон дўстлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бу масъулиятли ишни амалга оширишда менга қардошларим — Болтиқ бўйи республикалари ва Тожикистон санъаткорлари яқиндан ёрдам бердилар. Ҳозир Лотин Америкаси воқеалари тасвирланадиган кинолента устида ишлаяпман. Ҳамкорлик тўғрисида хорижлик ҳамкасб дўстларим билан гаплашиб олдим.

Ютуқларга эришувимда мана шу ижодий ҳамкорликларнинг роли ниҳоятда катта. Тажрибалар алмашиш, кинонинг долзарб проблемалари хусусида яқиндан ошкора фикрлашиб олиш, яратган фильмингиз тўғрисида ҳамкасбларингизнинг мулоҳазаларини эшитиш имкониятлари худди шундай ҳамкорликлар пайтида туғилади!

Мамлакатимиз, республикамиз кинематографчиларининг бошқа киностудиялар ва уларнинг ходимлари билан бўладиган ҳамкорлигини ривожлантириш учун Тошкент Халқаро кинофестивали яна ҳам катта роль ўйнаши мумкин.

Шунингдек, ёзувчилар ва кинодраматурглар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Республикамизда кинодраматурглар оз, лекин сўз санъаткорлари кўп. Уларни кинога жалб қилиш, ишлатиш кўп жиҳатдан бизга, яъни режиссёрларга боғлиқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми биз санъаткорларни ҳам ўз ишимизга таниқдий кўз билан қараб, активлик билан изланишга даъват этди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, миллий кино санъатимизни ривожлантириш учун барча воситалардан, жумладан, ҳамкорликдан унумли фойдаланишимиз зарур.



Суратда: «Даҳонинг ёшлиги» фильмидан кадр. А. Лопатин фотолари.

АКТИВЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Шавкат МАҲБУБОВ,
«Ўзбектелефильм» студиясининг директори, кинорежиссёр

Студиямиз республикада энг ёш бадиий коллективлардан ҳисобланади. Ўтган ўн беш йил ичида анчагина телефильмлар ишладик. Уларнинг кўпини устоз санъаткорларнинг тажрибаларидан фойдаланиб яратганмиз. Масалан, «Ўз халқининг ўғлони», «Бригадир», «Умидни асранг» картиналаримиз томошабинларга яхши таниш, турли фестивалларда муваффақиятли намойиш этилган. Шундай телефильмларни экранлаштиришда С. Аҳмадхўжаев, Ш. Жунайдуллаев, Р. Ўткиров, Э. Давидов, Ш. Бизаатов, К. Каримов, Н. Герасимов, К. Г. Нян сингари режиссёр ва операторларимиз жонкуярлик кўрсатдилар. Эндиликда замондошларимиз тўғрисида қатор киноҳикояларимиз бор.

Шу билан бирга, студиямиз фаолиятида қониқарсиз фильмлар ҳам учрайди. Кўп асарларимизда реклама-ахборот, обзор устун. Ҳаёт эса воқеаларга оператив муносабатда бўлишни, унинг ичига чуқурроқ кириб боришни талаб қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, саноат, фан ва маданиятда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган замондошларимиздан баъзан орқада қоляпмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида фош этилган, танқид қилинган камчиликларни экранда оперативлик билан кўрсатишда кўп ҳолларда сусткашлик қилинмоқда. Биз бундан буён ишимизни янада жонлантиришимиз, фаолиятимизни ўз-ўзини танқид асосида қуришимиз, баҳолашимиз керак.

Ҳозир томошабинлар кўраётган «Маҳфиратнинг уч баҳори», «Пахтакорлар сулоласи» «Эртанги кун шабадаси», «Изланиш сари» каби телефильмларимиз ана шундай талаблар асосида ишланди.

ЎРНИМИЗ — ҚАЙНОҚ ИШ ЖАРАЁНЛАРИДА

Турди НОДИРОВ,
Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг директори

КПСС Марказий Комитетининг «Кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва кинематографиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» чиқарган махсус қарори ҳар бир совет киночиси ҳаёти ва ижодида муҳим воқеа бўлди.

Бизнинг студия коллективи ҳам ана шу қарор ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми даъватига амал қилиб, қатор фильмларни экранлаштирди. «Баҳо ва баҳо ўлчагич», «Ерга меҳр», «Келажакни ўйлаганда», «Мевачилик марафони» фильмлари ана шундай экран асарларидандир. Масалан, «Келажакни ўйлаганда» картинасида Қорақалпоғистон АССРнинг шоличиликка ихтисослаштирилган совхозида рўй бераётган камчиликлар танқид қилинади. «Мевачилик марафони»да республикамизда етиштирилаётганноз-неъматларни қардошларимизга, БАМ, Тюменга етказиб беришда темир йўл ходимлари, савдо ташкилотлари, автотранспортчилар йўл қўяётган хатолар конкрет факт-рақамларда кўрсатилади. Яқин кунларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этиладиган «Очиғини айтганда» картинамизда зарарли диний хурофотларни фош қилишни мақсад қилганмиз.

Лекин олдимизда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Камчиликлар бор. Биз ишчилар, пахтакорлар олдида қарздормиз. Уларнинг қаҳрамонона меҳнатига муносиб фильмлар ишлаганимизча йўқ. Замондошларимизнинг тўлақонли портретларини яратиб беришимиз керак. Студиямизда қирққа яқин киши ижод қилади. Уларнинг тажрибалари, унвонлари бор. Кўплари лауреат ҳисобланади. Лекин конкрет ишга келганда уларда ташаббускорлик етишмайди. Ҳужжатли кинематографиянинг аҳамиятини енгил-елпи тушунадиган санъаткорлар — ҳам учраб туради.

Биз учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми муҳим дастуриламалдир. Унинг даъватидан келиб чиқиб, ишимиздаги хатокамчиликларни тугатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Студиямиз коллективининг ҳар бир аъзоси бугунги кунда ўзининг ўрнини ҳаётнинг қайноқ участкаларида, деб билади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни чоп эди:

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Фридрих Энгельс. Биография. Русча иккинчи нашридан таржима. 628 бет. Баҳоси 1 сўм 90 тийин.

Карл Марксниng дўсти ва энг яқин сафдоши, илмий коммунизм асосчиларидан бири бўлмиш Фридрих Энгельс инсоннят тарихидаги энг машҳур олим ва революцион арбоблар сирасига мансубдир. Ушбу китоб ана шу гениал мутафаккир ва сиёсий курашчи, жасур революционернинг илмий таржимаи ҳолини ўз ичига олган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Совет кишисининг актив ҳаётий позицияси. 197 бет. Баҳоси 2 сўм 20 тийин (рус тилида).

Китобда янги инсонни шакллантириш соҳасида партия олиб бораётган кўп ёқлама ғоявий-тарбиявий ишнинг энг муҳим томонларидан бири — совет кишисининг актив ҳаётий позициясини вужудга келтириш ҳақида гап боради.

М. ТЕШАБОЕВ, А. ВАҲОБОВ. Маҳаллий Советлар ва соцнал-маданий қурилиш. 95 бет. Баҳоси 10 тийин.

Китобчада республика маҳаллий Советлари социал-маданий қурилиш соҳасидаги фаолиятининг шакл ва методлари хусусида сўз юритилади.


АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Андижон. 91 бет. Баҳоси 10 тийин.

«Ўзбекистон шаҳарлари» сериясида нашр қилинган бу китобда Андижоннинг ўтмиши, тарихи нисбатан қисқа вақт ичида гўзал социалистик шаҳарга айлангани, келажаги ҳақида ҳикоя қилинган.

М. АМИНОВ. Бўстонлиқ. 104 бет. Баҳоси 50 тийин.

Китобчада меҳнаткашларнинг севимли оромгоҳи бўлган Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Оқсоқота, Белдерсой, Оқтош, Ҳондайлиқ, Хумсон, Бурчмулла, Чимён, Сижжак каби қишлоқлардаги дам олиш уйлари, курорт, санаторий, туристик база ва пионер лагерлари, тарихий жойлар ҳақида маълумотлар берилган.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ



ОЛҚИШ ОЛГАН ОТА

Жангда ва меҳнатда

Бирор кун йўқки, қишлоқ почтальони Шофиркон районидаги Исобусҳур қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат ветерани Деҳқон ота Файзиев хонадонига кириб чиқмаса. Бу ерга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан кун сайин даста-даста хат-хабарлар келиб туради. Уларнинг ҳар бирида олам-олам ҳаяжон: қувонч ва ғурур, фахр ва сурур... Оқсоқолнинг қалб саховатига, одамларга бўлган меҳр-муҳаббатига офарин ва олқиш...

Ота аллақачон пенсияда. Бироқ у қўл қовуштириб ўтиришга ўрганмаган. Районда ҳам, колхозда ҳам жамоат ишларида фаол иштирокчи. Уни ҳамма ерда: гоҳ комсомол йиғилишларида, гоҳ пионерлар орасида, гоҳо ёшлар кечаларида учратасиз. Отанинг Улуғ Ватан уруши йилларида халқимиз ўғил-қизларни кўрсатган жасорати ҳақидаги ҳикояларини катта-кичик бирдек катта қизиқиш билан тинглаб ўтирган бўлишади.

У урушнинг илк кунлариданоқ кўнгиллилар қатори фронтга отланди. Москва, Киев, Днепропетровск, Запорожье остоналарида жанг қилди. Жанглариниng бирида оғир яралар бўлди. Қирқ тўртинчи йилда уйига икки «Шуҳрат» ордени ва бир неча жанговар медаллар билан қайтди. Кейин ўзи туғилиб ўсган Карл Маркс номли колхозда агроном бўлиб ишлай бошлади. Бироқ фронтда олган жароҳати хуруж қилди-ю, пенсияга чиқдм. Уз томорқасида боғбонлик қилди, асаларн боқдм.

«Асал бобо»

Ота ҳонаки асаларичилик хўжалигидан олган дастлабки «ҳосил»ни район касалхонасига жўнатишга қарор қилди-ю, [текинга албатта!] кўнгли хотиржам топгандек бўлди. Шушу район алоқа бўлимидан «Асал бобонгиз»дан деган адрес билан (халқ орасида у шундай ном олган!) мамлакатимизнинг турли шаҳар-қишлоқларига асалу мевалар солинган посилкалар жўнатила бошланди. Сўнгги 6-7 йил ичида у Байкал-Амур магистрали қурувчиларига 750 килограмм, эмлзиладан зарар кўрган Газли шаҳри болаларига 250 килограмм асал совға қилди. Ҳарбий билим юртларининг курсантлари ҳам, болалар уйи тарбияланувчилари ҳам у етиштирган асалдан баҳраманд бўлдилар. Ота уларнинг ҳаммасини текинга йўллади. Ҳатто посилкалар учун тўланадиган алоқа хизматн ҳақини ҳам ўзи тўлади. Жавоб ўрнида кўпдан кўп олқишлар олди.

Дўстлик уйи

Файзиевлар оиласида кутилмаган кўнгилсизлик — уйда ёнғин чиқди-ю, дўстлар кўмакка шошилди. Москва, Харьков, Курган ва Калининдан хатлар, телеграммалар ҳатто пулли переводлар кела бошлади. Таниш-нотаниш ёр-биродарлар отадан қандай ёрдам кераклиги ҳақида хабар қилишини сўрашди. Шу боисни Файзиевлар хонадонини эндиликда барча бирдек: «Дўстлик уйи» дейишмоқда. Зеро, у ҳашар йўли билан тикланди!

— Дўст омон бўлса, юкинг ерда қолмайди, — дейди ота мамнунлик билан. — Бор бўлсин, Дўстлик! Бор бўлсин, Тинчлик! Меҳрга олқиш!

Суратларда: [юқоридан] «Асал бобо» — Деҳқон Файзиев янги «ҳосил»и оляпти; ота набираси Шуҳрат билан Москва ҳарбий билим юртн курсантларига навбатдагн посилка тайёрлаяпти. Карл Маркс номли колхоз болаларн ота хонадонига меҳмон бўлиб келишди.

А. Мирзажонов фотолари [ЎзТАГ].





РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 1985-1986 ўқув йили учун КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, зарур меҳнат стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, Совет Армияси сафидан бўшаб келган ёшлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа, геология-қидирув ва топография-геодезия ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаларн ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномa-йўлланма бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахсларга берилади. Сўнгги йил иш стажи узлуксиз бўлиши лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди).. Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

математика, физика, география, тарих, ҳуқуқшунослик (камида 2 йил стажи билан), ўзбек тили ва адабиёти, рус филологияси, журналистика, химия, биология.

ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАН ВА ЎРТА МАКТАБНИ 1985 ЙИЛДА БИТИРГАН ШАХСЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим: университет ректори номига ариза, иш жойидан (ёки ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ёки ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси, 8 дона фотосурат (3х4 ҳажмда).

АРИЗАЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат танланган ихтисосга қараб 2 ёки 3 фандан 16 сентябрдан 24 сентябргача ўтказилади. Тингловчилар мандат комиссиясидан 25 сентябрдан 30 сентябргача ўтказилади. Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар университетнинг кундузги, кечки ва сирқи бўлимларининг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 10 ой.

Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент-95, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Биология факультети биноси, 1-қават, 102-хона.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича юқори малакали контролер-кассир ва сотувчилар.

Бу группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга ҳам тингловчилар қабул қилинади.

Бу группаларга ўрта маълумотли 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш муддати — 11 ой.

Контролер-кассир ва ошпазлар тайёрлаш группаларига қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Контролер-кассир ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектланишидан сўнг бошланади.

Республика ўқув-курс комбинати барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиганларни қабул қилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, узлуксиз равишда олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда, Республика конторасига қарашли «Гастроном» магазинларида ҳамда умумий овқатланиш илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3×4 см. катталикдаги 3 ёки 6 дона фотосурат, характеристика, давлат савдо ташкилотидан йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент шаҳри, 700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чопон ота» бекати). Телефон 78-44-30.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАР, МАКТАБЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1986 йилда нашр этиладиган совет ва чет эл газеталари ва журналларига идоралардан обуна қабул қилиш

1985 ЙИЛ 31 АВГУСТДА

ТЎХТАТИЛАДИ

Корхоналар ва ташкилотлар «ПЛАКАТ» нашриётининг нашрларига, «ПРОБЛЕМИ МИРА И СОЦИАЛИЗМА» журнали, «АРГУМЕНТИ И ФАКТИ» бюллетенига идора обунаси учун ажратилган миқдордан кўпроқ обуна бўлишлари мумкин.

КПСС Марказий Комитети нашриётининг плакатлари комплектида мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши, КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга оид турли масалалар ёритилади, мамлакат ички ва халқаро ҳаётида юз бераётган воқеалар ҳақидаги фото ахборотлар берилади.

«ПЛАКАТ» нашрларига алоҳида мавзулар бўйича ва тўла комплектларга обуна бўлиш мумкин.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНА 1 НОЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» матбуот тарқатиш бошқармаси.

„ҲОЖАТБАРОР“ КАССИРЛАР

ёки Тошкент шаҳри авиакассаларида ин қуриб олган нопок шахслар тўғрисида

ФЕЛЬЕТОН

Қайси жойда интизом ва назорат бўшаштириб юборилса, ўша ерда бетартиблик, қонунбузарлик авж олади. Оқибатда шароитга қараб турли рангда товланувчи қаллоблар, юлғичлар, текинхўрлар ва шуларга ўхшаш тубан шахсларнинг «ови» юришиб қолади. Тошкент аэропорти ва баъзи бир авиакассаларда содир этилган ҳунук воқеалар бунга яққол мисол бўла олади.

Сурхондарёлик ўқитувчи Раҳмиддин Арслонов икки ҳамроҳи билан биргаликда Тошкентга етиб келди. Энди улар Львовга учишлари керак эди. Арслонов билет қидириб тўрт томонга елиб-югурди, бормаган авиакассаси, учрашмаган кишиси қолмади. Ҳаммаёқ тирбанд. Наҳотки, Тошкентдек шаҳри азим аэропорти кассаларида сўровга аниқроқ жавоб берадиган одам топилмаса?! Яна қаёққа борсин? «Билет тўғрилаб бера қолинг», — деб кимга ёлворсайкин?

Арслонов Тошкент аэропортининг эски биноси олдида боши қотиб туриб қолди. «Самолётлар учиб-қўниб турибди. Демак, одамларга билет топилярти. Қаранг, нене эпчил одамлар бор-а, таниш-билиш топиб дарров ишларини тўғрилаб кетишяпти». У шу ҳақда ўйлар экан, ўзини бўш-баёвликда айбларди.

Шу пайт кутилмаганда рўпарасида ўрта яшар бир аёл пайдо бўлди. Башанг кийинган, кўринишидан эпчил, пишиқ-пухтага ўхшайди.

— Ҳа, намунча хаёл суриб қолдингиз, йигит? — гап ташлади у. — Бирор нарсангизни йўқотдингизми?

— Йўқ...

— Мен шу ерда ишлайман. Сиздақаларни кўп кўрганман. Янглишмасам, билет топа олмаётган бўлсангиз керак?

— Тўғри, кассаларнинг тирқишидан қарайвериб тинкам қуриди, нима қиларимни билмай қолдим.

— Тушунарли. Қайси томонга учмоқчисиз? Нечта билет керак?

— Львовга, уч кишимиз.

— Вой-бў! Битта бўлсаям гўрга эди, бирорта танишбилишимга ёлвориб кўрардим.

— Ёрдам беринг, қуруқ қўймайман.

— Йўқ, менга тийининг ҳам керак эмас. Қийналиб қолибсиз, ҳожатингиз чиқса бас. Шу ерда туринг, ҳозир келаман.

Арслоновнинг кўнглида умид учқунлари пайдо бўла бошлади. «Қандай яхши одамлар бор-а? Зора ёрдам берса?! Ўзи шу ерда ишлар экан-ку! Бир оз чиқим қилсам ҳам майли».

«Ҳожатбарор» аёл орадан анчагина вақт ўтгач, ҳаллослаб қайтиб келди.

— Уҳ, ўлай дедим! Йўлиқмаган кассирим қолмади. Ҳаммаси йўқ, дейди-я! Ахир, биттасини зўр-базўр кўндирдим. Пулнинг бетига қараманг, пул менга эмас, ўшанга керак. Менга раҳмат айтсангиз бўлди, — атрофига кўз ташлаб олди аёл. — Уч-та паспорт билан 270 сўм пул беринг. Вой, намунча шалвирайсиз?! Бўла қолинг, биров билмасин.

Арслонов сеҳрланиб қолган эди. У шу заҳотиёқ аёлнинг айтганини бажо қилди.

— Шу ердан бир қадам ҳам жилманг, — тайинлади аёл. — Зарур ишим бор. Билетни дарров олиб келиб бераман-у, кетаман.

— Раҳмат, опажон.

Арслонов хурсанд бўлиб аёлнинг кетидан қараб қолди. У узоқ кутди. «Меҳрибон» кимсадан нега дарак бўлмаяпти? Лақиллатиб кетган бўлса-я?

Львовга учмоқчи бўлган муаллим бу ерда тура турсин-да, гапни бошқа ёқдан эшитинг.

«Сервис» агентлигининг Тошкент шаҳар Пушкин кўчасидаги кассасида ишлаган Тугия Сафтаровна Мамедовани кўплар яхши билади. Уни «юлдузни бенарвон ураги»ган кассир, деб мақташади. Айни вақтда Мамедованинг сеҳргарликдан ҳам хабари борга ўхшайди. Унинг иш пайтидаги хатти-ҳаракатларига разм солган киши буни дарров пайқаб олади. Қаранг, касса олдида билет оламанми-йўқми, деб безовта бўлиб навбат кутиб турган кишилар сон-саноқсиз. Кассир бир дақиқа ҳам тиним билмайди. Ҳали телефонда қисқа-қисқа сўзлашади, ҳали алланималарнидир ёзиб-чизади. Ниҳоят студент йигит Искандар Рўзиевнинг навбати келди. У Урганчга билет олмоқчи. Бу йўналиш бўйича қатновчи самолётларнинг эса харидори кўп. Улар орасида пулнинг бетига қарамай билет учун қанча сўрашса, шунча бериб юборадиган «сахий»лар ҳам топилади. Рўзиев шундайлар тоифасидан экан. У кассир опага сирли бош чайқади. Мамедова буни дарров пайқаб, «четроққа ўтиб туринг», ишорасини қилди. Рўзиев бир оздан сўнг паспорти орасига 50 сўмлик пул қўйиб узатди. Мамедова телефон қоқиб, Урганч шаҳрига битта билет сўраган киши бўлди. Хуллас, орадан кўп ўтмай Рўзиевнинг ҳожати чиқарилди. Бунинг эвазига Мамедова 5 сўм 50 тийинлик бўлди.

«Ўйламай еган —оғримай кетар», — деган гап бор. Чиндан ҳам шундай экан. Кутилмаганда ғаройиб воқеа юз берди. Милиция хизматчилари Мамедовани жиноят устида қўлга туширишди. Кассир опа нима бўлаётганига ҳайрон. Атрофига аланглаб қарайди. Кечиринглар, дея илтижо қилади. 5 сўм 50 тийин гўё шу пайтда бир қути игнага айланиб, ортиқча ҳақ олган қўлларга санчилаётгандай эди.

«Сервис» агентлигининг баъзи бир эгри қўл, олғир хизматчиларига бу ҳунук воқеа аччиқ доридек кор қилиб, дарддан халос этса керак, деб ўйлашганди. Афсуски, бундай бўлмади. «Билетлар сотилган» деб йўлларида жанг қилди. Жанглариниng бирида оғир яралар бўлди. Қирқ тўртинчи йилда уйига икки «Шуҳрат» ордени ва бир неча жанговар медаллар билан қайтди. Кейин ўзи туғилиб ўсган Карл Маркс номли колхозда агроном бўлиб ишлай бошлади. Бироқ фронтда олган жароҳати хуруж қилди-ю, пенсияга чиқдм. Уз томорқасида боғбонлик қилди, асаларн боқдм.

«Асал бобо»

Ота ҳонаки асаларичилик хўжалигидан олган дастлабки «ҳосил»ни район касалхонасига жўнатишга қарор қилди-ю, [текинга албатта!] кўнгли хотиржам топгандек бўлди. Шушу район алоқа бўлимидан «Асал бобонгиз»дан деган адрес билан (халқ орасида у шундай ном олган!) мамлакатимизнинг турли шаҳар-қишлоқларига асалу мевалар солинган посилкалар жўнатила бошланди. Сўнгги 6-7 йил ичида у Байкал-Амур магистрали қурувчиларига 750 килограмм, эмлзиладан зарар кўрган Газли шаҳри болаларига 250 килограмм асал совға қилди. Ҳарбий билим юртларининг курсантлари ҳам, болалар уйи тарбияланувчилари ҳам у етиштирган асалдан баҳраманд бўлдилар. Ота уларнинг ҳаммасини текинга йўллади. Ҳатто посилкалар учун тўланадиган алоқа хизматн ҳақини ҳам ўзи тўлади. Жавоб ўрнида кўпдан кўп олқишлар олди.

Дўстлик уйи

Файзиевлар оиласида кутилмаган кўнгилсизлик — уйда ёнғин чиқди-ю, дўстлар кўмакка шошилди. Москва, Харьков, Курган ва Калининдан хатлар, телеграммалар ҳатто пулли переводлар кела бошлади. Таниш-нотаниш ёр-биродарлар отадан қандай ёрдам кераклиги ҳақида хабар қилишини сўрашди. Шу боисни Файзиевлар хонадонини эндиликда барча бирдек: «Дўстлик уйи» дейишмоқда. Зеро, у ҳашар йўли билан тикланди!

— Дўст омон бўлса, юкинг ерда қолмайди, — дейди ота мамнунлик билан. — Бор бўлсин, Дўстлик! Бор бўлсин, Тинчлик! Меҳрга олқиш!

Суратларда: [юқоридан] «Асал бобо» — Деҳқон Файзиев янги «ҳосил»и оляпти; ота набираси Шуҳрат билан Москва ҳарбий билим юртн курсантларига навбатдагн посилка тайёрлаяпти. Карл Маркс номли колхоз болаларн ота хонадонига меҳмон бўлиб келишди.

А. Мирзажонов фотолари [ЎзТАГ].

тўғрилаб берсангиз, — деб илтимос қилди.

— Ҳеч иложи йўқ, билетлар сотиб бўлинган,— жавоб қилди ўз одатига кўра кассир.

— Қуруқ қўймайман, келинг...

— Кўймадингиз-да! Ҳай, майли, бир уриниб кўраман. Паспортингизни қолдириб кетинг, кечроқ хабар оларсиз.

Абдуллаев айтилган пайтда бу ерга қайтиб келди. Богатова билетни тайёрлаб қўйган экан. Бунинг эвазига у яхшигина «меҳнат ҳақи» ҳам олди. Биз номларини тилга олган шахсларгина эмас, республикадаги турли авиакассаларда ишлаган Валентина Ивановна Запорожченко, Забиҳа Зокировна Попинанченко ҳамда Валентина Ивановна Донскаялар-нинг ҳам йўловчилар ҳақига хиёнат қилиб келишгани маълум бўлди.

Хўш, сурхондарёлик муаллим Раҳмиддин Арслоновнинг иши нима бўлди, деб сўрарсиз? «Ҳожатбарор» аёлни кута-кута тоқати тоқ бўлгач, у милицияга хабар қилди. Фирибгар Роҳат Асатуллаева Сергелида, ўз уйида қўлга тушди. У Тошкент бирлашган авиаотрядида ишлар экан.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, республика граждан авиацияси бошқармасининг Тошкент шаҳридаги авиакассаларида қатъий тартиб ўрнатилган эмас. Партия ва ҳукуматимиз жойларда талабчанлик вазиятини қарор топтириш ҳақида қайғураётган бир пайтда авиабилет савдосида бошбошдоқлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳоллари учраб турибди. Контролсизлик, айрим масъул лавозимдаги шахсларнинг эътиборсизлиги қонунбузарлик, жиноят қилиш фактларининг рўй беришига олиб келмоқда. Аэрофлот кассаларидаги бу носоғлом муҳит ҳақли равишда йўловчиларнинг норозилигига сабаб бўлаётир. Ўзбекистон ССР Граждан авиацияси бошқармаси, унинг тегишли бўлинмалари «Сервис» агентлиги раҳбарлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш, хусусан, авиабилет савдосини яхши йўлга қўйиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари керак.

У. ЮСУПОВ, С. МУҲИДДИНОВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

СПОРТ

БОКС:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фарғона водийсида коллективлаштириш йилларининг фаол иштирокчиси, сув хўжалиги қурилиши ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаев хотирасоврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири якунланди. Тўқимачилар маданият саройида ўрнатилган рингда мамлакатимиз ҳамда республикамиз турли шаҳарларидан келган 130 боксчи ўзаро куч синашди. Мусобақага халқаро тоифадаги судьялар— З. Гвоздева билан В. Флоров ҳакамлик қилишди. Ўтган дам олиш куни боксчилар ўртасида финал ўйинлари ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Спартакчилардан андижонлик З. Ботиров, тошкентлик Л. Икромов билан Б. Каримов, самарқандлик Р. Раҳматулин, армиячилардан тошкентлик М. Қорабоев, чирчиқлик Р. Султонов, ангренлик Т. Исроилов, тошкентлик О. Зокиров («Меҳнат резервлари») ҳамда студентлардан қўқонлик Қ. Тошматов билан фарғоналик Г. Мушкудианилар вазнларга кўра ғолиблик супасига кўтарилишди.

О. ҲАКИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, шу кеча-кундузда Ўзбекистонда ҳаво булутланиб туради, тоғли районларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Қолган территорияларда ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарбдан секундига 9-14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳаво 14-19, кундузи 25-31, жанубда 34 даражагача исийди.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

[ЎзТАГ].

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/VIII да Тоҳир ва Зуҳра, 28/VIII да Қуёшга таъзим қил, 29/VIII да Оловли фариштa.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/VIII да Олтин девор, 28/VIII да Рўё, 29/VIII да Келинлар қўзголони.

27 АВГУСТ, СЕШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Горичлар, қаердасиз!». 10.10—«Оловли баҳам кўриб». Фильм-спектакль. 12.05— Телефильм. 12.25 — «Чашмалар». 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05—«Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Бадиий фильм. 1-серия. 17.05—Халқ куйлари. 17.20 —«Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 17.50—«Қалбга яқин кўшиқлар». 18.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 18.45— «Фан ва турмуш». 19.15—«Дунё воқеалари». 19.30 — «Ишлар ва одамлар». 19.55 — «Бугун — Совет киноси куни». 20.05 — Мультфильм. 20.15 — «Янгирма йилдан сўнг, кунларнинг бирида». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. Бразилия — Испания. 22.45 — «Дунё воқеалари». 23.00 —Концерт. 23.50—Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — «Масҳарабозни кулдиринг». Бадиий фильм. 1-серия. 10.45 — «Будильник». 11.15—Телефильмлар. 11.55 — «Шахмат мактаби». 12.25 — Болалар учун фильм. 13.30 — Француз тили. 14.00 — Мультфильмлар. 14.30—Концерт. 15.20 —«Ўсимликлар дунёси». 16.05 ва 18.30—Янгиликлар. 18.45 — «Қишлоқ янгиликлари». 19.45— «16 ёшгача ва ундан катталар». 20.30—«Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45—Велоспорт. Жаҳон чемпионати. 21.15— Вальслар. 21.30—«Время». 22.00 — «Масҳарабозни кулдиринг». Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Телефильм. 8.10 — Фильм-концерт. 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.00 — «Ешлик». 19.30—«Ахборот». 19.45—«Халқ контроли экрани». 20.15—Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30—«Время». 22.00— «Кино— менинг ҳаётимда».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.10 — МОСКВА-II. 18.05 —Телефильм. 18.25—«Сатурн пайидан». Бадиий фильм. 19.50 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Телефильм. 21.00 — «Алкоголизмга қарши курашайлик». 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Меҳнат шарофати». 9.30 — «Беш йиллик одимлари». 11.15 —Болалар учун эшиттириш. 12.10 — «Транспорт ишчиси». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40—«Мактабим—фахрим менинг». 16.00 —«Фан ва техника». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — «Миллионлар ленинча университети». 18.30 — Концерт. 18.40—«Огонёк». 19.25 — «Ешлик». 20.55—«Театр микрофон олдида». 23.30—Дам олиш соатида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.